



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

¹Баҳром Жўраев, ²Саъдуллаев Азиз Акмал ўғли

¹ ҚарДУ психология кафедраси доценти,
Психология фанлари бўйича фалсафа доктори

² ҚарДУ психология кафедраси магистри

ЎСМИР СПОРТЧИЛАРДА ИРОДАВИЙ СИФАТЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ПСИХОДИАГНОСТИКАСИ

Аннотация

Мазкур мақола ўсмир спортчиларда иродавий сифатлар шаклланишини текширишнинг психодиагностик имкониятлари мавзусига бағишланган. Шунингдек, мақола матнида иродавий сифатларнинг психологик тавсифи, турли психолог тадқиқотчиларнинг иродавий сифатлар ҳақидаги таърифлари, спорт фаолиятида иродавий сифатларнинг роли, иродавий сифатларни тарбиялашнинг психологик шарт-шароитлари, ўсмир спортчилар иродавий соҳасини психодиагностик баҳолаш каби масалалар ҳам кенг ёритилган.

Калит сўзлар: Ирода, иродавий сифатлар, спорт, ўсмир спортчи, муваффақият, интилиш, машқлантириш, машғулотлар, волебол, катъиятлилик, масъулиятлилик, енгиб ўтиш, ички назорат, мусобақалашув мотиви, ғалаба, рағбатлантириш, жазо, мадад истаги.

Маълумки, иродавий сифатлар спортда инсон ҳаракатларини психофизик тартибга солишнинг механизми саналиб, у мураккаб вазиятларни енгиш жараёнида намоён бўлувчи шахс хусусиятларидан биридир. Спортда иродавий сифатларнинг намоён бўлиши нафақат, муваффақиятга интилиш, муваффақиятсизликка йўл қўймаслик балки, инсонда шаклланган ахлоқий муносабатларнинг шаклланганлиги билан ҳам тушунтирилади. Ҳозирги кунда, ўсмир спортчиларни иродавий жиҳатдан тайёрлаш ишлари долзарб аҳамият касб этиб қолмасдан, уни янада ривожлантиришни талаб



этмоқда. М.Я.Басов таъкидлаганидек, спортда иродваий машқлантиришнинг психологик усуллари етарлича ривожлантирилган. Бундан ташқари, махсус адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, психологик ва педагогик характердаги илмий - услубий асарларда, спортчиларнинг иродаси, иродавий жихатдан тайёрлаш муаммоларига қизиқиш сезиларли даражада камайган[1,78].

Ўсмир спортчиларда ўз-ўзини ихтиёрий тартибга солиш шунингдек, уларда бирламчи иродавий сифатларни ривожлантириш масалалари, спорт машғулотларининг дастлабки босқичида жуда муҳимдир. Чунки, бу ўтиш даври ҳисобланиб, унда инсоннинг қизиқишлари, соҳага бўлган қобилияти, мотивация даражаси кабилар ҳисобга олинishi лозим. Ўсмирлик ёшида иродавий сифатлардан “қатъиятлилик” эндигина шаклланаётган сифатлардан бири сифатида тан олинади. Қолверса, бундай хулосалар кўплаб етук психологлар томонидан эътироф этилган. Шу боис, спорт билан шуғулланувчи ёшларда қатъиятлиликни шакллантириш энг муҳим вазифалардан биридир.

Л.В.Маришукнинг аниқлашича, агарда, ўсмир спортчиларнинг ўзи қатъият билан мақсадга эришишга интиlmаса, унда мураббий ҳам ҳеч қандай ёрдам бера олмайди[2,66]. Қуйида ўсмир ёш спортчилар учун зарур саналган иродавий сифатларнинг турига ва уларнинг шаклланишига таъсир этувчи айрим психологик омиллар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, мақсадга интилиш ўз ишига бўлган иштиёқ билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. таъкидича, қатъийликни нафақат, инсоннинг иродаси балки, унинг қизиқишлари, бажарилаётган фаолиятнинг ҳиссий мазмундорлиги кабилар ҳам кўллаб-қувватлайди. Тажрибалар шуни кўрсатадики, ҳар доим узоқ мақсадга эришишда ўзига хос қийинчиликлар мавжуд. Яъни чарчоқ, тўйинганлик, муваффақиятсизликка учраганда вазифалардан кўнгил қолиши ва ҳоказо. Бизнингча, келтириб ўтилган сифатлар фақатгина иродавий сифатлар орқали бартараф этиладиган қийинчиликлар саналади.

Спортдаги субъектив қийинчиликлар кўпинча, салбий ҳис-туйғуларда намоён бўлади. Яъни душмандан кўрқиш, шикастланишдан кўрқиш, ютқизиб қуйишдан кўрқиш ва ҳоказо. Объектив қийинчиликларга эса, спорт фаолиятининг умумий ва ўзига хос шарт-шароитлари билан тушунтирилади. Яъни белгиланган режимга риоя қилиш, кўплаб мусобақаларда қатнашиш, ноқулай об-ҳаво ва бошқалар. Ҳозирги вақтда, ирода психологиясида қуйидагиларни асосий хусусиятлар сифатида кўриб чиқиш одат тусига кирган. Асосий сифатларга ташаббускорлик, қатъиятлилик, мустақиллик, чидамлилик ва ўзини тута билиш, қатъиятлилик, диққатлилик, фидоийлик ва бошқалар киритилади. С.К.Багадирова бошқалардан фарқли ўларок, спортчиларнинг қайси спорт тури билан шуғулланишидан қатъи-назар, спортчи-спортчилар ўртасида ихтиёрий фаолият услубини ўрганган. Муаллиф ироданинг асосий вазифаларига мос келадиган, иродавий фаолиятнинг ҳар хил услубларини аниқлади [3,58]:

- ✓ Рағбатлантириш;
- ✓ Тартибга солиш;
- ✓ Чеклаш ва ҳоказо.

В.Т.Малкинга кўра эса, ўсмир спортчиларда иродваий сифатларнинг шаклланиши ўзига хос кўринишга эга бўлиб, уни қуйидаги кетма-кетлик асосида тушунтириш мақсадга мувофиқдир[4,341]:

- Динамик жисмоний фазилатлар - куч, тезлик, реакция тезлиги касби сифатлар биринчи бўлиб шаклланади;
- Катта ва узоқ ютуқларга жавоб берувчи иродавий сифатлар- қийинчиликларга бардош бера олиш қобилияти, чидамлилик, қатъиятлилик ҳамда мураккаб ва нозик ҳаракатларга жавоб берувчи сифатлар концентрация, диққатни жамлай олиш, ўзини ўзи фаоллаштира олиш ва ҳоказо. Ўсмирлик ёшида иродавий сифатларнинг шаклланиши интенсив кечиб, кейинчалик мустақамлана боради. Ўсмир спортчиларда ихтиёрий ҳаракатларнинг шаклланишида жамоадошларининг ҳам роли юқори саналади. Чунки, тенгдошлар томонидан берилган танбеҳлар, айтилган сифатлар яъни, кўрқоқлик, дангасалик, ялқовлик, манманлик, ўзига бино қўйиш кабилар бунга яққол мисолдир. Шу орқали ўсмир қатъиятли бўлишга, бошқалардан орқада қолмасликка, етакчилиكنи қўлга олишга, намунали ва муваффақиятли жамоадошларига интилишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, ушбу жадвал орқали факторлар ўртасидаги боғлиқликларни кўришимиз мумкин.

Энгиб ўтувчи хулқ-атвор ва муваффақиятга эришиш муваффақиятсизликдан қочиш сўровномалари факторли анализ кўрсаткичлари

Шкалалар	Факторлар			
	1	2	3	4
Иродавий матонат	0,643		0,538	0,566
Вазиятни энгиб ўтиш		0,637		
Оқилона ҳаракат		0,594	0,554	
Журъатсизлик	0,589	0,567	0,646	
Назорат				0,738
Кечинмалар намоёйиши	0,732		0,518	
Мадад истаги	0,724	0,485	0,652	
Муваффақиятга эришиш	0,743			
Муваффақиятсизликдан қочиш	0,670			0,562

Умуман олганда, ўсмир ёшдаги баскетболчи спортчиларда иродавий сифатларга таъсир қилувчи психологик омилларига доир тадқиқотимизга аниқлик киритиш давомида, шахсинг ҳаёти давомида мураккаб вазифаларни бажаришда иродавий сифатларни шакллантириш энг асосий жараёнлардан бири саналади. Синалувчилар натижалари факторли анализ бўйича кўрсаткичлар 4 та факторга бирлашганлиги намоён бўлди.

Амалга оширилган эмпирик тадқиқот натижалари бўйича қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин. Биринчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: иродавий матонат, журъатсизлик, кечинмалар намоёйиши, мадад истаги, муваффақиятга эришиш ва муваффақиятсизликдан қочиш каби натижалар билан ўзаро фарқланган. Иккинчи шкалани ташкил этган психологик факторлар: вазиятни энгиб ўтиш, оқилона ҳаракат, журъатсизлик ва мадад истаги каби натижа билан алоҳида тавсифланган. Учинчи шкалани ташкил этган психологик омиллар: иродавий матонат, оқилона ҳаракат, журъатсизлик, кечинмалар намоёйиши ва мадад истаги каби даража билан алоҳида характерланган. Тўртинчи шкалани ташкил қилган психологик бирликлар: иродавий матонат, назорат ва муваффақиятсизликдан қочиш каби психологик хусусиятлар билан ажралиб турганлигини қайд қилиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Басов М.Я. Воля как предмет функциональной Психологии. Методика психологических наблюдений за детьми. - М., 2008. – С.89.
2. Марищук Л.В. Психология спорта: учеб. пособие. - Минск: БГУФК, 2006. – С.66.
3. Багадирова С. К. Материалы к курсу «Спортивная психология»: учебное пособие / С. К. Багадирова. - Майкоп: Изд-во «Магарин О. Г.», 2014. – С.58.
4. Малкин В. Т. Спортивная психология: взгляд в XXI век / В. Малкин, Л. Рогалева // Человек в мире спорта: Новые идеи, технологии, перспективы : тез. докл. Междунар. конгр. - М., 1998. – Т. 2. - С. 340-341.
5. Абдурахимова Л. А. ЖАМИЯТ ВА ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР: СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 88-97.
6. Мелибаева Р. Н. ИЗ ИСТОРИИ ВОПРОСА ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОГО ИССЛЕДОВАНИЯ МЫШЛЕНИЯ В ТРУДАХ ПСИХОЛОГОВ СОВЕТСКОГО ПЕРИОДА //INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION. – 2018. – С. 125-127.
7. Нарметова Ю. Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизматнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари. – 2016.
8. Нарметова Ю. К. Актуальные проблемы организации психологической службы в клинических учреждениях //Человеческий фактор: Социальный психолог. – 2017. – №. 1. – С. 119-123.
9. Нарметова Ю. Изучение социально-психологических подходов к проблемам здоровья и болезни //От истоков к современности. – 2015. – С. 304-306.
10. Нарметова Ю. К. ПСИХОСОМАТИК БЕМОРЛАРНИНГ ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 21-28.
11. Нарметова Ю. ИНТЕГРИРОВАННЫЙ ПОДХОД КАК ВАЖНЫЙ ФАКТОР РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ ПОДГОТОВКИ КЛИНИЧЕСКИХ ПСИХОЛОГОВ //ВЕСТНИК КАРАКАЛПАКСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ИМЕНИ БЕРДАХА. – 2017. – Т. 34. – №. 3. – С. 57-58.
12. Нарметова Ю. Тиббитёт муассасаларида психологик диагностика ишларини ташкил этишга тизимли ёндашув. – 2016.
13. Tursunaliyevna A. M., Karimovna N. Y. МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА МАДАНИЙ-ГИГИЕНИК МАЛАКАЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ-БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ЈИСМОНИЙ РИВОЈЛАНИШИДА МУНИМ ВОСИТА //INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL. – 2022. – Т. 3. – №. 1. – С. 98-103.



14. Melibaeva R. N. Status and Prospects of Medical Psycho-Diagnostics in Uzbekistan //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – T. 8. – №. 12. – C. 555-565.
15. Abdivalieva A. N. et al. PSYCHOLOGICAL FEATURES OF ADAPTATION OF STUDENTS ABROAD //Innovative Society: Problems, Analysis and Development Prospects. – 2022. – C. 117-120.